Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 139 (5430).
22 ИЮНЬ 1984 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЭРТАГА — ЁШЛАР ШАНБАЛИГИ

Шаҳар комсомол ташкилотлари Бутуниттифоқ комсомол-ёшлар шанбалигига пухта тайёргарлик кўришди. Эртага бутун мамлакатимизда комсомол-ёшлар шанбалиги бўлади. Шаҳримизда эса уч юз мингга яқин йигит ва қиз шанбаликда иштирок этишиб, цехлар ва қурилиш майдонларида, транспорт ва ободонлаштириш ишларида фаоллик кўрсатадилар. Жаъми 900 минг сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИ ХРОНИКАСИ

Тарбиявий ишлар савиясини оширайлик

Фрунзе район партия комитетида КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленумининг бир йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Партия маорифи бўйича район методик советининг аъзоси, тарих фанлари кандидати, Низомий номидаги педагогика институтининг доценти А. Д. Зимин «КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми ривожланган социализмни такомиллаштириш жараёнида идеология ишининг роли ошиб бориши тўғрисида» доклад қилди.

Фрунзе район партия комитетининг секретари Т. Искандаров «Идеология иши — бутун партиянинг, ҳар бир коммунистнинг иши» мавзуида доклад қилди.

Тўқимачилик комбинати сиёсий маориф кабинетининг мудири Г. Ш. Нурмуҳаммедова ўз сўзини кадрлар билан иш олиб бориш масаласига бағишлади. 160-мактаб директори Т. Т. Ефремова ўқувчиларда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш, 1-пойафзал фабрикасининг комсомол ташкилоти секретари А. Эргашев ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш бўйича ишлар тўғрисида гапириб беришди.

Билимлар—ҳаётга!

Сергели районида ўқув йилининг якунида КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленумининг бир йиллигига, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллик юбилейига тайёргарликка алоҳида аҳамият берилди.

Пропагандистларни нг ёрдами туфайли 4 минг 240 тингловчи беш йилликнинг тўрт йили топшириғини муддатидан илгари бажариш юзасидан шахсий мажбурият олиб ишламоқда.

Иттифоқимизнинг донгдор кишилари билан учрашувлар, зарбдорлар ва коммунистик меҳнат коллективларининг слётларини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Ана шундай йиғилишлардан бирига меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатининг ташаббускорларидан — Москва-Сортировочная темир йўл станциясининг ходимлари Б. А. Поляков ва А. П. Павлюткин таклиф қилиндилар. Улар коммунистик ҳаракатнинг шонли тарихи ва бу ҳаракатнинг бугунги кенг миқёслари тўғрисида гапириб бердилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ «РАЙОН ВА ШАҲАР ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА» ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Қарорда таъкидланишича, совет матбуотининг энг оммавий нашрлари бўлмиш район ва шаҳар газеталари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда актив қатнашмоқда, уларни КПССнинг иқтисодий ва социал сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга сафарбар этмоқда. Бу нашрларнинг обрў-эътибори ва оммавийлиги анча ошди.

Шу билан бирга уларнинг кўплари газетхонларни тўла-тўкис қаноатлантирмаяпти, маҳаллий турмушни, партия ташкилотларининг кўп соҳалари фаолиятини дуруст ёритмаяпти, марказий ва область нашрларидан нусха кўчиришга интилаяпти. Бир қанча газеталарда шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг маънавий дунёси юзаки ва схематик тарзда ёритилмоқда, меҳнаткашларнинг хатлари камдан-кам босилмоқда. Кўпинча уларнинг саҳифалари мажлислар ва кенгашлар тўғрисидаги узундан-узоқ ҳисоботлар билан, бошқа нашрлардан олиб босилган материаллар билан тўлдирилмоқда.

Район ва шаҳар газеталарига партиявий раҳбарлик даражаси ҳамиша ҳам КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг талабларига мувофиқ, деб бўлмайди. Баъзи шаҳар ва район партия комитетлари меҳнаткашларни социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилиш учун ўз матбуот органларининг ташкилотчилик ва тарбиячилик имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланмаяптилар, проблемалар кўтарилган материалларнинг таъсирчанлигини оширишда уларга дуруст мадад бермаяптилар, танқидни пишала қилмаслик ва бўғиш ҳолларини принципиал баҳоламаяптилар. Редакцияларни икир-чикир ишларига ўралашиш, журналистларни асосий вазифаларидан чалғитиш сингари яроқсиз практика тугатилган эмас.

Район матбуотида малакали кадрлар етишмаяпти. Журналистлар тайёрлашнинг мавжуд системаси район ва шаҳар газеталарининг эҳтиёжларини биринчи галда қондиришни назарда тутмаяпти. Айрим партия ва совет органлари маҳаллий матбуотнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, редакциялар ва босмахоналар ходимларининг меҳнат ҳамда турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида тузук ғамхўрлик қилмаяптилар.

КПСС Марказий Комитети иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари зиммасига район ва шаҳар матбуоти фаолиятида кўрсатиб ўтилган камчиликларни тугатиш чораларини кўриш вазифасини юклади. КПСС Марказий Комитетининг қарорида таъкидланишича, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини чуқур тушунтириб бериш, меҳнаткашларни КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь, декабрь ва 1984 йил февраль Пленумлари қарорларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш — район ва шаҳар матбуотининг бош вазифасидир.

Район ва шаҳар газеталари, деб таъкидлади КПСС Марказий Комитети, — совет матбуоти системасидаги муҳим бўғин, партия комитетларининг район ва шаҳарларни иқтисодий, социал ва маданий ривожлантиришга сиёсий раҳбарликни амалга оширишдаги самарали қуроли, оммани коммунистик руҳда тарбиялаш ва жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг қудратли воситаси, маҳаллий турмуш ҳақидаги ахборотнинг бекиёс манбаидир.

Шаҳар ва район партия комитетлари ўз газеталарига раҳбарлик савиясини оширишлари, уларнинг фаолиятини моҳирона йўналтириб туришлари, хўжалик ва тарбия ишининг энг яхши намуналарини пропаганда қилувчи, камчиликларни очиб ташловчи материалларни актив қўллаб-қувватлашлари, бундай материалларга жавобан оператив ва амалий чоралар кўрилишига ҳаракат қилишлари лозим. Газеталарнинг танқидий материалларига нотўғри муносабатда бўлувчи мансабдор шахслардан қаттиқ жавоб талаб қилинсин. Журналист кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш иши яхшилансин. Журналистларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниктиришга ва уларнинг касб маҳоратини оширишга, уларда партиявий масъулият ва принципиаллик туйғусини тарбиялашга алоҳида эътибор берилсин. Раҳбар партия ва совет ходимларининг редакция коллективлари, ишчи ва қишлоқ мухбирлари билан учрашувларини ўтказиш кенг одат тусига киритилсин, улар районлар ва шаҳарлар турмушининг энг муҳим масалаларидан хабардор қилиб турилсин. Редакциялар ва босмахоналар ходимларининг моддий-маиший шароитларини яхшилаш ҳақида доимо ғамхўрлик қилинсин.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, КПСС ўлка, область комитетларига ажратилган йиллик қоғоз фонди доирасида район ва шаҳар газеталарининг ҳажми ва чиқиш даврини ўзгартириш ҳуқуқи берилди.

Район ва шаҳар газеталарининг редакциялари:

асосий куч-ғайратни районлар ва шаҳарлардаги меҳнат коллективларининг партия ўртага қўйган энг муҳим халқ хўжалик, социал-сиёсий ва тарбиявий вазифаларни турмушга татбиқ этиш соҳасидаги фаолиятини ёритишга қаратсинлар. Бошланғич партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий иши мазмунини чуқур очиб берсинлар. Уюшқоқлик, тартиб ва интизомни мустаҳкамлашга, меҳнаткашларнинг ғайрат-шижоатини ва сиёсий ташаббускорлигини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашсинлар;

план топшириқларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш шартномавий мажбуриятларга риоя этиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақани батафсил ва атрофлича ёритиб борсинлар. Ҳамма турдаги ресурслар, материаллар, хом ашё ва энергияни тежаш, хўжалик ҳисобини, бригада пудратини ва меҳнатни ташкил этишнинг бошқа илғор формаларини жорий қилиш учун сабот билан курашсинлар;

колхоз ва совхозларнинг, агросаноат комплекси корхоналари ва ташкилотларининг Озиқ-овқат программасини бажариш соҳасидаги ишларини, қишлоқни социал-маиший ва маданий жиҳатдан қайта қуришнинг актуал проблемаларини диққат марказида тутсинлар;

совет турмуш тарзини, коммунистик ахлоқ нормаларини газетхонга тушунарли бўлган аниқ-равшан мисоллар ёрдамида тарғиб қилсинлар ва қарор топтирсинлар. Ўз характери жиҳатидан ғайри социалистик ходисалар бўлмиш тартибсизлик ва масъулиятсизлик, ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаш, хизмат мавқеини суиистеъмол этиш, жамоат мулкини талон-торож қилиш, ичкиликбозлик, безорилик фактларига нисбатан муросасизлик муҳитини вужудга келтирсинлар;

районлар ва шаҳарларнинг аҳолисини партия, совет, касаба союз, комсомол, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ишидан ва улар қабул этаётган қарорлардан, маҳаллий турмушнинг энг муҳим янгиликлари ва воқеаларидан мунтазам хабардор қилиб турсинлар;

редакцияларнинг газетхонлар, ишчи ва қишлоқ мухбирлари активлари билан алоқаларини доимо мустаҳкамласинлар, меҳнаткашларнинг таклифларига ва танқидий мулоҳазаларига эътибор билан қарасинлар. Очиқ хатлар кунлари, газетхонларнинг конференцияларини ўтказиш партия, совет ва хўжалик раҳбарларининг газета саҳифаларида аҳолини қизиқтирувчи саволларга жавобларини чиқариш одат тусига киритилсин.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига университетларнинг журналистика факультетларида ва бўлимларида таълим-тарбия жараёнини КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида яхшилашни, уларни, аввало, район ва шаҳар газеталари учун кадрлар тайёрлашга йўналтиришни назарда тутувчи тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш топширилди. Шаҳар ва район партия комитетлари, СССР Журналистлар союзининг ташкилотлари матбуотда ишлаш қобилиятини кўрсатган ишчи ва қишлоқ ёшларини журналистика факультетларига ва бўлимларига ўқиш учун аниқ мақсадни кўзлаб юборишдан кенг фойдалансинлар.

ТАССга, республикаларнинг информация агентликларига район, шаҳар, бирлашган ва округ газеталарининг редакцияларини географик зоналар ва уларнинг экономикаси хусусиятларини ҳисобга олиб, актуал ва мазмундор ахборот материаллари, суратлар билан таъминлашни тартибга солиш таклиф қилинди. Сиёсий адабиёт нашриёти билан «Мысль» нашриёти «Журналист кутубхоналари» чиқаришни ташкил этсинлар.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, ўлка ва область ижроия комитетларига, СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетига, СССР Алоқа министрлигига район, шаҳар ва бирлашган газеталарнинг моддий-техникавий базасини 1986—1995 йилларда ривожлантиришнинг ҳар бир регион учун энг оқилона схемаларини ишлаб чиқиш, зарур шароитлар мавжуд бўлган тақдирда район, шаҳар ва бирлашган газеталарни республика, ўлка, область, шаҳар ёки районлараро босмахоналарда чиқаришга аста-секин ўтишни назарда тутиш ва полиграфия корхоналарини кам мосланган бинолардан янги биноларга чиқариш таклиф қилинди.

Аҳолини тобора тўла-тўкис хабардор қилиш мақсадида район ва шаҳар газеталарида реклама материаллари ва эълонлар босиб чиқаришни кенг йўлга қўйиш тавсия этилди.

«ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА»

● 21 июнь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Франция Республикаси Президенти Ф. Миттеран билан музокаралари бошланди.

Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги муносабатларга хос ишчанлик ва амалий муҳитда ўтаётган музокаралар томонларнинг яхшироқ ҳамжиҳатликка ва бир-бирининг позицияларини яқинлаштиришга интилаётганликларини намойиш этди.

Музокаралар давом эттирилади.

● Ҳиндистон парламентининг халқ палатаси спикери Б. Р. Жакхар бошчилигидаги делегацияси Ўзбекистонга келди.

21 июнда Ҳиндистон делегацияси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида қабул қилинди. Бўлиб ўтган суҳбатда Президиум Раиси О. У. Салимов меҳмонларни республиканинг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида эришган ютуқлари билан таништирди, КПСС XXVI съезди қарорлари асосида Ўзбекистонни иқтисодий ва социал ривожлантириш истиқболлари тўғрисида сўзлаб берди.

МАШҒУЛОТЛАР ТУГАДИ

Тошкент Олий партия мактабида партия ва совет ходимлари малакасини ошириш республикалараро курсларида тингловчиларнинг машғулотлари тугади. Тингловчилар составида Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон қишлоқ район ижроия комитетларининг раислари, область ижроия комитетларининг, Олий Совет Президиумлари ва Министрлар Советларининг масъул ходимлари бор эди.

Машғулотлар чоғида совет органларининг партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг талабларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко нутқларида баён этилган кўрсатмалар ва тавсиялардан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди. Ўқув программасида КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми ҳамда ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессиясининг қарорлари асосида халқ депутатлари Советларининг хўжалик ва социал-маданий қурилишдаги ролини оширишга, умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш масалаларига катта ўрин берилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг масъул ходимлари, республика министрликлари ва идораларининг раҳбарлари, таниқли олимлар курслар тингловчилари ҳузурида лекция ўқидилар.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ РУБРИКА:



ТОШКЕНТЛИК СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНЛАРИ



БАТАРЕЯ КОМАНДИРИ БОТИР БОБОЕВ

Совет халқининг Улуғ Ватан урушида фашистлар Германияси устидан қўлга киритган Буюк Ғалабасининг 40 йиллиги нишонланишига бир йилча вақт қолди. Деярли 40 йилдан буён кўпмиллатли мамлакатимиз тинч бунёдкорлик меҳнати билан банд. Аммо халқимиз ўзининг қаҳрамонона ўтмишини ҳеч қачон унутмайди. Уруш—қалбни ларзага солувчи буюк ва абадий хотирадир.

Советлар Иттифоқи ўтган урушда 20 миллион йигит ва қизидан жудо бўлди. Уруш йилларида кўпмиллатли совет халқининг кўрсатган жасоратини ҳеч нарса билан қиёс этиб бўлмайди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко Умумармия комсомоли кенгашида айтганидек, партия ва халқ кишиларнинг граждан ва Улуғ Ватан уруши фронтларидаги, давлат чегарамизни муҳофаза қилишдаги жасоратларини эсда тутадилар. «Улар Совет кишиларининг барча авлодлари учун ҳамиша ватанпарварлик, ҳарбий бурчга садоқатнинг илҳомбахш намунаси бўлиб қолаверади...»

Улуғ Ватан урушида совет жангчиларининг кўрсатган жасоратлари Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан юксак баҳоланди. 11,5 мингдан зиёд жангчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига муяссар бўлди, шулардан 200 дан зиёди серқуёш Ўзбекистондан эди. Ҳа, фронт жуда узоқда бўлишига қарамасдан, республикамизнинг энг яхши ўғил ва қизлари она-Ватан озодлиги учун қаҳрамонона жанг қилдилар.

Биз бугун «Тошкентлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари» янги рубрикасини очмоқдамиз. Бу рубрика остида бериладиган материалларда Улуғ Ватан уруши йилларида жасорат намунасини кўрсатган, интернационал бурчларини сидқидилдан бажарган тошкентлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ҳақида ҳикоя қилинади. Йилдан-йилга Қаҳрамонларнинг сафи сийраклашмоқда. Ҳозир Тошкентда 19 Совет Иттифоқи Қаҳрамони яшаяпти. Уларнинг жасорати инсониятга, халққа, Ватанга хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир. Уларнинг номини ҳамма билиши керак.

(Давоми 2-бетда).

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети «Бирлашган, округ, район ва шаҳар газеталарининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда маҳаллий матбуотнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ҳамда шу мақсад учун зарур маблағ ва моддий-техникавий ресурслар ажратиш юзасидан конкрет тадбирлар кўзда тутилган.

СССР Фан ва техника Давлат Комитетига СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитети билан ҳамда бир қанча манфаатдор министрликлар ва идоралар билан биргаликда 1986—1990 йилларда маҳаллий матбуотни ривожлантиришнинг илмий-техникавий проблемаларини ҳал этиш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш, маҳаллий газеталарни чиқаришнинг истиқболли технология схемаларини жорий этишни ҳамда текст ва иллюстрация ахборотини алоқа каналлари орқали қайта ишлаш ва узатишнинг форма жараёнлари учун замонавий аппаратларни, биринчи навбатда фото усулида ихтисослаштирилган ҳарф териш ва ҳарф босиш техникаси, қолип тайёрлайдиган автоматлар ((шу жумладан лазер автоматлар), шунингдек офсет варақ ва рулон босма машиналари, приборлар ва зарур материаллар (илгаридан тайёрланган офсет ва фото полимерлаштирувчи пластиналар, кумушсиз фотоматериаллар), газета экспедициялари учун асбоб-ускуналар яратилишини назарда тутиш топширилди.

Бир қанча министрликларга офсет босма усулини жадал жорий қилишни таъминлайдиган босмахона ва бошқа полиграфия машина-ускуналари, приборлар ва материаллар тайёрлашга оид топшириқлар белгиланди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига бирлашган, округ, район ва шаҳар газеталарининг редакциялари учун анжомлар ва асбоб-ускуналар сотиб олиш юзасидан бир йўла маблағ ажратишни кўзда тутиш топширилди.

Бирлашган, округ, район ва шаҳар газеталарининг редакцияларига чакана савдо тармоғи орқали ёзув машинкалари, фотоаппаратлар, фото материаллар ва канцелярия молларини нақд пулсиз майда улгуржи лимитига ҳисобламай сотиш, сотилган моллар учун олинган маблағни чакана товар оборотига қўшишга рухсат берилди.

Қарорда полиграфиячи ишчи кадрлар тайёрлаш, ҳунар-техника билим юртлари қуриш ва уларнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш юзасидан конкрет топшириқлар белгиланди.

ЎЗБЕКИСТОН КУРОРТ ЎЛКАСИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва ВЦСПС 1985—1995 йилларда Ўзбекистон касаба союзларининг санаторий-курорт, туристик ва спорт муассасалари моддий базасини янада ривожлантириш масаласини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистоннинг совет касаба союз ва хўжалик ташкилотлари КПСС XXV ва XXVI съездларининг қарорларини бажара бориб, партия органлари раҳбарлигида меҳнаткашларнинг меҳнат, дам олиш ва маиший турмуш шароитларини яхшилаш, санаторий-курорт ва туристик муассасалар тармоқларини кенгайтириш борасида муайян ишлар қилганлиги қайд этилди. X—XI беш йилликларда 1890 ўринли санаторийлар, 430 ўринли дам олиш уйлари ва пансионатлар, 2617 ўринли туристик меҳмонхоналар, 629 ўринли туристик базалар, кемпинглар фойдаланишга топширилди. Бу аввалги худди шундай даврга нисбатан 2,5 баравар кўпдир. Меҳнат коллективларининг санаторий-профилакторий тармоқлари, дам олиш зона ва базалари икки баравар кўпайди.

Дам олувчиларни даволаш, уларга маданий хизмат кўрсатиш сифати ошди. Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Оилавий дам олиш, ўқувчи-ёшлар ва қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг дам олиши ривожланди.

Шу билан бирга санаторий, пансионат, дам олиш уйлари, туристик база ва меҳмонхона тармоқларининг ривожланиш суръатлари ўсиб бораётган эҳтиёжлардан орқада қолмоқда. Республиканинг табиий иқлим ресурслари ва туристик имкониятларидан тўла йўсинда фойдаланилмаяпти. Халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари, айрим министрликлар ва идоралар санаторий-курорт ва туристик муассасаларга ҳали етарлича эътибор бермаяптилар. Дам олувчиларга тиббий, маданий-маиший, туристик-экскурсия хизмати кўрсатишни ташкил этишда камчиликлар бор.

Ўзбекистон ССР Қурилиш, Қишлоқ қурилиши министрликлари, Узколхозстрой ва Главташкентстройнинг ҳамма қурилиш бўлинмалари ҳам санаторий-курорт ва туристик объектларда қурилиш-монтаж ишлари планларини бажаряпти, деб бўлмайди.

Қабул қилинган қарорда Ўзбекистон касаба союзларининг санаторий-курорт, туристик ва спорт муассасалари моддий базасини янада ривожлантириш, меҳнаткашларга тиббий, маданий-маиший, туристик-экскурсия хизмат сифатини яхшилаш чоралари белгиланган.

ВЦСПСнинг капитал маблағлари ҳамда республика меҳнат коллективларининг кооперациялаштирилган капитал маблағлари ҳисобидан лойиҳаланиши ва қурилиши лозим бўлган санаторий-курорт, туристик, соғломлаштириш объектларининг рўйхати тасдиқланди. Бу рўйхатда 9500 тадан кўп ўрни бўлган санаторий-курорт объектлари, 5000 тадан кўп туристик ўринли объектлар, учта спорт объекти ишга туширилиши мўлжалланган.

ВЦСПС капитал қурилиш бош бошқармасига, курортларни бошқариш, туризм ва экскурсиялар бош кенгашлари ва касаба союзлар кўнгилли спорт жамиятлари Бутуниттифоқ кенгашига 1986—1990 йилларда ана шу мақсадларга, шунингдек хизмат қилувчилар учун уй-жойлар, «Узбеккурортремстрой» трестининг автобазаси ва ишлаб чиқариш қурилиш базаси учун тегишли капитал маблағлар ажратилишини таъминлаш вазифаси топширилди. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига ВЦСПС колхозчиларнинг социал страхование фондидан ажратадиган маблағлар ҳисобига 2100 ўринли колхозлараро шифохоналарнинг лойиҳаларини тузиш ва уларни қуриш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш, Қишлоқ қурилиши министрликларига, Главташкентстрой, Узколхозстрой, Ўзбекистон ССР Геология министрлигига, «Геоминвод» бошқармаси Ўрта Осиё гидрогеология партиясига, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш, Алоқа, Автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш министрликларига тегишли кўрсатмалар берилди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитетига 1984-1985 йиллар мобайнида туризм ва экскурсиялар область советларини, саёҳат ва экскурсия бюролари, туристик клублар, туристик асбоб-анжомларни ижарага бериш пунктларини тегишли биноларга жойлаштириш тўғрисида топшириқ берилди. Граждан авиацияси бошқармасига 1985-1988 йилларда туристик маршрутларда областлараро қўшимча рейсларни очиш, Ўрта Осиё темир йўли бошқармасига туристик поездларни ўз вақтида сифатли тайёрлашни, тўхташ жойларида улар санитария-техника жиҳатдан тегишли тартибда сақланишини таъминлаш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Ўрмон хўжалиги министрлигига курорт ва туристик ташкилотлар билан шартномаларга мувофиқ санаторийлар, дам олиш уйлари ва пансионатларга туташ территорияларда дов-дарахтли зоналар барпо этиш таклиф этилди. Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига касаба союзлар туризм ва экскурсия ҳамда курортларни бошқариш республика кенгашлари билан тузиладиган шартномага мувофиқ шаҳарлар ва район марказларида олисдаги шифохоналар, туристик меҳмонхоналар ва базалар билан аэропортлар, темир йўл станциялари ва автовокзаллар ўртасида пассажирлар ташийдиган автобус қатновини таъминлаш топширилди.

Тегишли ташкилотларга санаторий-курорт ва туристик муассасаларни тавсия этилган нормативларга мувофиқ белгиланган ассортиментда озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаб туришни йўлга қўйиш, эртаги сабзавот, ҳўл мева, қовун-тарвуз, ошкўк ва сут-қатиқ маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш топширилди. Курорт зоналарида магазинлар, ошхоналар, чойхоналар, сабзавот павильонларини кенгайтириш, ҳамма шифохоналарда дам олувчиларга маиший хизмат кўрсатиш пунктларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва ВЦСПС республиканинг партия, совет, касаба союз, хўжалик, лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотлари Ўзбекистон касаба союзларининг санаторий-курорт, туристик ва спорт муассасалари моддий базаларини янада ривожлантириш ва уларнинг иш фаолиятини такомиллаштириш борасида белгиланган программа муваффақиятли бажарилиши учун бутун кучларини сарфлайдилар, деб қатъий ишонч билдирдилар.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Октябрь райони корхоналарининг коллективлари йил бошидан буён Сифат белгиси билан 25 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди. Бу маррага ўтган йилга нисбатан 20 кун илгари эришилди.

●


Республика Киночилар уйида баҳор-ги-ёзги мавсумнинг ёпилишига бағишланган катта кеча бўлади. Томошабинлар билан учрашувга таниқли экран усталари, санъаткорлар ташриф буюрадилар. Кеча охирида телевизион, хужжатли картиналар, шунингдек «Мосфильм» киностудиясида суратга олинган «Гирет вилласининг сири» бадиий фильми намойиш этилади.

ОБ-ҲАВО

Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 30 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз булутли, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18—23, кундузи 34—39 даража иссиқ бўлади.

№ 6 (14)

ВАТАНПАРВАР



«ВАТАНПАРВАР» ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ РАИСИ — УРУШ ВЕТЕРАНЛАРИ СОВЕТ КОМИТЕТИ ТОШКЕНТ СЕКЦИЯСИНИНГ РАИСИ, СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ БОИС ҲАМИДОВИЧ ЭРГАШЕВ.

«ФАШИЗМ БИЛАН ШИДДАТЛИ ОЛИШУВДА АРМИЯ ВА ФЛОТ ЖАНГЧИЛАРИ, ХАЛҚ ЛАШКАРЛАРИ ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚҚА АСТОЙДИЛ САДОҚАТ, ВАТАНГА МУҲАББАТ, ОММАВИЙ ҚАҲРАМОНЛИК КЎРСАТДИЛАР».

(КПСС Марказий Комитетининг «Совет халқининг 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 40 йиллиги тўғрисида»ги қароридан).

Батарея командири Ботир Бобоев

(Боши 1-бетда).

1941 йилнинг август ойида Ботир Бобоев фронтга жўнади. Уруш бошланганига уч ой бўлган, фашист босқинчилари мамлакат ичкарисига кириш учун бор кучини ишга солиб ваҳшийликни давом эттирарди. Кун сайин қурбон бўлганларнинг сафи кўпайиб борар, шаҳарлар, қишлоқлар вайронага айланарди. Уруш даҳшатлари барча совет халқларининг ғазаб-нафратини тошириб юборди. Фронтга отланаётган ҳар бир киши олчоқ душманни мамлакатимиз тупроғидан қувиб чиқаришга, бегуноҳ қурбон бўлганлар учун ўч олишга қасамёд қилар эди.

Ўзбек халқининг фарзанди Ботир Бобоев ҳам жасурлик билан жанг қилди. Артиллерия батареяси командири бўлганлиги учун қўл остидаги барча жангчиларни қатъийликка ундади. Катта лейтенант Ботир Давронович Бобоевнинг мукофотлар ёзиладиган шахсий варақасида қуйидагилар битилган: «...Гвардиячи катта лейтенант Бобоев Оборники шаҳри учун бўлган жангда кучли пулемёт ва миномётлар ўти билан ўз батареясини олдинга олиб чиқди ва душманнинг пиёдалари ва танкларини ўққа тута бошлади. Шу жангда у контузияга учради. Лекин жанг майдонидан кетмади. Ўртоқ Бобоев батареяси билан душманнинг барча қарши ҳужумларини қайтарди ва душманнинг мудофаасини ёриб чиқиш ҳамда Варта дарёсини кечиб ўтишга шароит яратди... Даҳшатли уруш батарея командири Б. Бобоевни қаерга ташламади дейсиз. Дастлаб у Шимолий-ғарбий фронтда, кейин эса Жануби-ғарбий фронтда жанг қилди. 1941 йилнинг март ойида 3-Украина фронти составида жанг қилаётган вақтида жароҳатланди. Гвардиячи катта лейтенант қаерда жанг қилса шу ерда фашистлар унинг қақшатқич зарбасига дучор бўлди. Яна мукофотлар ёзиладиган варақага назар ташлайлик:

«...Польша-Германия чегараси районидаги Горай деган жойда ўртоқ Бобоев душманнинг бир замбараги, иккита танки, учта ўзи юрадиган замбарагини, бир рота пиёдасини яксон қилди. Ўртоқ Бобоев душманни таъқиб этаётган пиёдаларнинг олдида бориб, ўз батареясини Одер дарёсига биринчи бўлиб олиб чиқди. Одер дарёсининг ғарбий соҳилидаги плацдармда ўртоқ Бобоев душманнинг ўн марта қарши ҳужумини қайтарди, икки блиндажини, уч кузатув пунктини, бир дзотини, бир танкини, иккита ўзи юрар замбараги, бир батальон пиёдасини яксон қилди».

Ҳужжатларда ёзилган бу сўзлар қисқа ва мазмунли. Эҳтимол, улар уруш даҳшатларини бошдан кечирмаган кишиларга кўп нарсани англатмас. Лекин ажалга тик боққан, ҳар дақиқада ҳаёт учун курашган кишиларга улар жуда тушунарли. Ҳозир кексалик гаштини сураётган истеъфодаги полковник Б. Бобоев шу қисқа сўзларнинг замирида қандай даҳшатлар яширинганини кўз олдига келтира олади. Чунки у урушнинг жаҳаннамга қиёс қилгудек алангасидан бир неча марта ёнган, қоврилган.

Маълумки, кишилар солдат бўлиб туғилишмайди. Шунингдек, ўз-ўзидан қаҳрамон ҳам бўлиб қолмайдилар. Жуда қаттиқ синовдан ўтганларидан кейин жасурликлари тан олинади.

Биз Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ботир Давронович Бобоевдан душманга ҳужум бошлаганда, бомба тагида қолганингизда қўрққанмисиз деб сўрашга иймандик. Кекса фронтчидан Қаҳрамон бўлишни хаёлингизга келтирганмисиз, деб сўраганимизда, эҳтимол «Йўқ», деб жавоб берган бўларди.

Ботир Давронович Бобоев виждон амри билан ўз бурчини садоқат ила адо этди. Шу боисдан ҳам 1945 йилнинг май ойида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Урушдан кейин ҳам Ботир Давронович Бобоев ҳарбий хизматни давом эттирди. Она шаҳри Тошкентга қайтиб келганидан кейин Октябрь район ҳарбий комиссари этиб тайинланди. Йигирма йил шу лавозимда ишлади. Айни пайтда жамоатчилик асосида уруш ветеранлари Совет комитети Тошкент секциясига раислик қилди. Ёшларни ҳарбий-ватанпарвар руҳида тарбиялашдек муҳим вазифани бажаришда ўзига хос билимдонлик кўрсатди. Шу боисдан ҳам у ёшлар учун Ватанга, халққа содиқ хизмат қилишнинг жонли намунаси бўлиб қолди.

1975 йилда полковник Б. Бобоев истеъфога чиқди. Ўшанда у 60 ёшга тўлган эди. Армия сафидаги нуқсонсиз хизматлари учун «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланди. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни армия сафида хизмат қилишга тайёрлаш соҳасидаги самарали ишлари учун 1977 йилда Ботир Бобоевга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони берилди.

Яқинда Ботир Давронович Бобоев 70 ёшга тўлди. Ногаҳон фронтда олган жароҳати ва контузияси азоб бериб қолади. Ҳозир Б. Бобоев уруш ветеранлари Совет комитети Тошкент секцияси раисининг ўринбосари. У мактаб, ҳунар-техника билим юртлари, завод ва фабрикаларга тез-тез бориб туради. Қаҳрамон командирга хотиржамлик ярашмайди.

Энг қувончлиси шундаки, ветераннинг азалий орзуси амалга ошди. Набираси Санжар бу йил Тошкент шаҳридаги 91-мактабнинг 8-синфини битириб, Ленинграддаги адмирал Нахимов номли суворовчи ҳарбий билим юртига ўқишга кирди. Демак у офицер бўлади. Шу боисдан ҳам Б. Бобоевнинг қувончи чексиз. Чунки унинг ишини набираси давом эттиради. Ҳозирги ёшларнинг олдида ҳам уларнинг ота-боболари олдида турган жиддий юмуш: ўз меҳнати билан Ватан қудратини мустаҳкамлаш, ҳар дақиқада уни ҳимоя қилишга тайёр туришдек масъулиятли вазифа турибди.

М. ОТАХОНОВ,
М. ГОРБАЧЕВ.



1945 ЙИЛ ФОТОСИ


1945 йилнинг 2 майида ҳарбий мухбир Марк Редькин томонидан Берлинда суратга олинган бу машҳур фотода Берлинга ҳужум қилганлар орасида Нургазис Тимербоев ҳам ифодаланган. У собиқ 2-танк армияси артиллерия полкидаги энг ёш артиллериячи эди. Шу боисдан ҳам Нургазисни полкдошлари ҳали яхши соғаймасдан госпиталдан қочиб келганида худди ўз фарзандларидек кутиб олишди. Олдинда сўнгги операция — Берлинни олиш турарди. Белоруссиядан Рейхстагга қадар масофани ўз жанговар машинасида босиб ўтган Н. Тимербоев бу ҳужумда иштирок этмай туролмасди.

Тимербоевнинг ўзи шундай эслайди: «30 апрель куни биз Берлинга кирдик, ҳар бир метр масофани жанг билан ўтдик. Кўчаларнинг чорраҳаларда яшириб қўйилган немисларнинг «Тигр» ва «Фердинанд»лари ўт очиб турарди. Рейхстагни қўлга олган кунимизнинг эртасига, яъни 2 май куни бизни ҳарбий мухбир суратга олди».

Нургазис урушдан жуда кўп жанговар мукофотлар билан қайтиб келди, унинг иккита Шуҳрат ордени ҳам бор эди. Жароҳатлари ҳам оз эмасди.

Суратларда: Марк Редькин 1945 йилнинг 2 майида Берлинда олган суратдан репродукция; Н. Тимербоев билан бир вақтда унинг полкдоши Г. Мухамедзянов «Берлинни олгани учун» медали билан тақдирланганди. Н. Тимербоев ва Г. Мухамедзянов «Рейхстагга ҳужум» картинаси олдида.

Е. ЛОГВИНОВ фотоси, ТАСС фотохроникаси.



Қидирув давом этади

ЖАВОБ БЕРИНГ, ПОЛКДОШЛАР!

Яқинда Совет халқи Улуғ Ватан урушида фашистлар Германияси устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлайди. Ўшанда фронтчи-полкдошлар тўпланадилар. Улар жанг йиллари хотираларини эслашади. Мен ҳам полкдошларимни кўришни, улар билан суҳбатлашишни жуда-жуда истайман.

Мен 1944 йилнинг охирларида 3-гвардиячи ҳаво-десант ўқчи дивизияси составида Венгрия, Австрияни босқинчилардан озод этишда қатнашганман.

Айрим маълумотларга кўра полкдошларимдан бир неча киши Тошкентда истиқомат қилар экан. Шундай бўлса жуда соз. Мен уларни жавоб беришга ундайман. Менинг адресим: 700152, Тошкент шаҳри, 22-квартал, 1-уй, 13-квартира. Леонид Петрович Коноваленкога.

* * *

Катта лейтенант Турсун Хўжаев 1944 йилда биз хизмат қилаётган Ленинград яқинидаги Луга шаҳрида жойлашган артиллерия полкида врач бўлиб ишлаган эди. Биз у билан Польшада жанг қилганмиз, 16 апрелдан 30 апрелга қадар Берлин учун бўлган жангда қатнашганмиз. Кейин Чехословакиядаги жангларда иштирок этганмиз.

Ўшанда менга Турсун Хўжаев Тошкент Давлат медицина институтини тамомлаганини, 1924 йили Тошкентда туғилганини ва А. Навоий кўчасида истиқомат қилишини айтган эди. Ишончим комилки, у ҳозир ҳам Ватан олдидаги бурчини бажараётган бўлса керак. Ундан менга хат ёзишини ўтиниб сўрайман: 487341, Чимкент области, Келес райони, Чапаев номидаги пахтачилик совхозининг Омангелди бўлими. Лотинбой Исабоевга.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ШУНДАЙ ХИЗМАТ ҚИЛИШЯПТИ

Яқинда Москвада бўлиб ўтган Умумармия комсомолининг анжуманида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко шундай деди: «Ҳозирги ҳарбий хизмат — осон иш эмаслиги равшан. Бу хизмат тинимсиз меҳнат қилишни, мунтазам машқ билан шуғулланишни, иродани чиниқтиришни, психологик матонат ва доимий камарбасталикни талаб қилади». Бу сўзлар ниҳоятда ҳаётий эканлигини подполковник М. Урбанович редакцияга йўллаган хатларда ҳам кўриниб турибди. Уларда тошкентликлар ҳақида ҳикоя қилинади.

КОМАНДИР ТАШАККУРИ

Бу ташаккурнома оддий жангчи Станислав Беляковнинг хизмат йиллари давомида олган биринчи раҳматномаси эмас. Уни ўз бурчини сидқидилдан, нуқсонсиз бажарганлиги учун қўлга киритди. Суткалик вазифани жуда соз бажарди. Айрим жангчилар унга бироз эътироз ҳам билдиришди. Бўлинмада тартибни сақлаш ахир ҳамманинг иши-ку... Бундай тушунча хатодир. Ҳарбий ишда ҳар бир нарса аниқликни талаб қилади.

Станислав Беляков ўзига топширилган вазифани вақтида ва нуқсонсиз бажаришни дастлаб Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 6-автокорхонада ўрганди. Бу ерда слесарь бўлиб ишлаган эди. Армияда эса унинг интизоми янада чиниқди. Худди шу хислатлар туфайли оддий жангчи ташаккурларга сазовор бўлмоқда. Ҳозир унинг хизмат дафтарчасига ўн икки ташаккурнома ёзилган. Тўғрисини айтганда айрим жангчилар бутун хизмат йиллари даврида ҳам бундай шарафга муяссар бўлолмайдилар. Станислав Беляков жанговар ва сиёсий тайёргарлик соҳасида эришаётган муваффақиятлари учун ҳурмат топяпти.

ИШОНЧНИ ОҚЛАМОҚДА

Зокир Норматовни қариндош-уруғлари, ота-онаси, ёр-биродарлари армия сафига хизматга жўнатишаётганда фақат аъло даражада хизмат қил, деб насиҳат қилишганди. У ана шу ишончни шараф билан оқламоқда.

Оддий жангчи З. Норматовнинг ҳарбий хизматни бошлаганига ярим йил бўлди, холос. Ҳозир у топшириқларни аъло даражада бажарадиган жангчилар сафида бормоқда...

Маълумки, жангчи хизмат жойини ўзи танламайди. З. Норматов илғор бўлинмага тушди. У ҳарбий санъат сирларини қунт билан ўргана бошлади. Ундаги интилиш, иштиёқни сезган комсомоллар муҳим топшириқларни бера бошлашди. Зокир уларни ўз вақтида ва нуқсонсиз бажарди. Ҳозир у бўлинма комсомол ташкилотидаги энг актив ва ташаббускор жангчилардан бири бўлиб қолди.

Қисқа муддат давомида Зокир Норматов ҳарбий касбни пухта ўрганиб олди, дўстлар орттирди. Ўзи эришаётган муваффақиятлар ҳақида уйига ҳарбий хизматга қадар меҳнат қилган Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси ёнғиндан муҳофаза бошқармасига ҳам бир неча марта ёзди.

Дил нидоси

БИЗ ТИНЧЛИК ИСТАЙМИЗ

Мен отам Туабек Далимбетовни фақат сурати орқали танийман. Чунки у ҳали тетапоя қилмасимданоқ урушга кетган. Ундан 1945 йилга қадар хат келиб турган. Бувимга ёзган сўнгги хатида: Катта ғалаба арафасида турибмиз. Мендан хавотирланманглар. Сиҳат-саломатман. Тез кунда дийдор кўришамиз», деган эди...

Бундай бахт бизга насиб этмади. Кўп ўтмасдан отам хизмат қилаётган қисмдан қора хат олдик. Ҳозир саккиз фарзанднинг отасиман. Ҳар куни эрталаб умид билан уйғонаман. Кун ўтиб, дилимни қайғу қоплайди. Шунда беихтиёр инсониятни янги уруш ҳалокатига бошлаётган корчалонларга лаънат ўқийман. Йўқ, уруш бўлмасин! Фарзандлар оталарининг меҳри, ғамхўрлиги билан вояга етишсин, менга ўхшаб ҳеч ким, ҳеч қачон ота дийдорига зор бўлмасин.

П. ДАЛИМБЕТОВ.

Ветеранлар ҳамон сафда

Октябрь район ҳарбий комиссариатида ҳисобда турувчи Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшишмоқда. Улар ўзларининг жанговар ва ҳаётий тажрибаларини бўлажак жангчиларга қунт билан ўргатишяпти. Ветеранлар кўмаклашувчи комитетга уюшишган. Бу комитетга истеъфодаги полковник А. Чирва етакчилик қилмоқда.

Яқинда запасдаги офицерлар йиғилишиб амалга оширилган ишларга якун чиқаришди. Комитет қошида чақирилув ёшигача бўлган ўсмирлар билан ишлаш, ҳарбий-ўқув, запасдаги офицерлар билан ташкилий-тарбиявий ишларни ўтказиш, маиший ва пенсия секциялари ишлаб турибди. Уларга бой ҳаётий тажрибага эга бўлган истеъфодаги офицерлар А. Хабибуллин, У. Алиев, М. Ткач, В. Загребенний, М. Цифанский етакчилик қилишмоқда.

Мамлакатимизда Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига катта ҳурмат кўрсатилмоқда. Партия ва ҳукуматимиз уларга бериладиган имтиёзларни янада кенгайтирмоқда. Районда ҳам биринчи группа инвалидлари корхоналарга бириктиб қўйилган. Улар инвалидларнинг турмушидан доимо хабардор бўлиб турибди. Бундан ташқари комитет активистлари ёрдамида уларнинг турмуш шароити ўрганиб чиқилмоқда. Комитет тавсиясига биноан инвалидларга ёрдам кўрсатиляпти.

Биз ёшларга атрофингиздаги кишиларга эътибор билан қаранг, демоқчимиз. Уларнинг айримлари ҳозир ҳам жанговар вазифаларини бажараётган, айримлари эса запасдаги ветеранлардир. Ветеранларнинг ҳаммаси бир мақсадга — ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига хизмат қилишмоқда.

М. МАҲМУТОВ,
уруш ветеранлари Совет комитети Тошкент секциясининг аъзоси.

Сўнмас у кунлар шуҳрати

ИБРАТЛИ УМР

— 1942 йилнинг қиши. Атроф оппоқ қорга бурканган. Изғирин қулоқларимизни чимчилайди. Увиллаган шамол эса, кўз очишга имкон бермайди. Шундай бўлса-да, ротамиз кечгача душманнинг ўн беш марталаб шиддатли ҳужумини қайтарди. Фирибгар немислар гоҳ ўнгдан, гоҳ сўлдан келар ва ҳар қаерда дўлдай ёғилган ўққа дуч келарди. Охири душман тамом ҳолдан тойиб, чекинишга мажбур бўлди. Биз душманни Ржов шаҳригача «ура» садолари остида қувиб бордик. Бироқ, немисларга оғир артиллерия мададга келди. Биз қўмондонликдан «Бир қадам ҳам чекинилмасин», деган буйруқ олдик. Ҳаёт-мамот жанги бошланди.

Взводларга бўлиниб душман ҳужумини қайтара бошладик. Мадад кучи келиб қўшилди. Тонг отарда осмонда пайдо бўлган баҳодир лочинларимиз душманнинг ҳолини танг қилиб қўйди. Шу пайт фалокат рўй берди. Мендан бир неча метр нарига снаряд тушди. Портлаш зарбидан чуқурчага қуладим. Кейин нима бўлганини билмайман. Кўзимни очганимда оқ халатли ҳамшираларни кўрдим. Маълум бўлишича, бошимга снаряд парчаси тегиб қонга беланиб ётганимда қуролдош дўстим Вася Петров судраб чиққан экан,— дейди запасдаги фронтчи Холмирза ака Ғуломов.

Холмирза ака Тошкентдан 1941 йил сентябрда кўнгиллилар қаторида жангга отланди. Ижевск шаҳридаги запасдаги армия сафида жангга тайёргарлик кўрди. Ҳаракатдаги 817-гвардиячи полкининг 1-батальонида дастлабки ҳужумда қатнашди. У ўқчи-мерган эди. Калинин фронтидаги жангларда бир неча марта командирнинг раҳматномасини олди. Нияти немисларни Берлингача қувиб бориш эди. Афсуски, Холмирза ака ўз ниятига ета олмади. 1943 йилда уни иккинчи группа инвалиди деб тан олишди ва она юрти Тошкентга қайтаришди.

Х. Ғуломов 1943 йилнинг декабридан бошлаб Бўзсув ГЭСига ишга кирди. Оддий навбатчидан Бўзсув ва Шайхантоҳур ГЭСларининг бошлиғи даражасигача бўлган вазифаларда ишлади.

Республикани электрлаштириш ишларида фаоллик кўрсатди. Ўз зиммасига юкланган барча ишларни сидқидилдан адо этиб, коллектив ҳурматига сазовор бўлди. 1957 йилда КПСС сафига қабул қилинди. Меҳнатсеварлиги, ўз вазифасини сидқидилдан, ҳалол бажарганлиги учун уни бир неча марта Тошкент области советига депутат этиб сайлашди. Депутат сифатида ҳам жуда кўп ибратли ишларни амалга оширди.

Инсоннинг ҳаётини қайнар булоққа қиёслашади. Булоқ суви ер бағридан қайнаб чиқиб, ўт-ўланларга ҳаёт бағишлайди, одамларнинг ташналигини қондиради. Холмирза аканинг ҳаёти ҳам қайнар булоққа ўхшайди. Чунки у ишлаган ГЭСларда нур пайдо бўлади. Зиё бўлиб, кўчаларимизни, уйларимизни ёритади. Ишчи дастгоҳларини юритади.

Холмирза ака Ғуломов ибратли совет оиласининг соҳиби ҳамдир. Унинг умр йўлдоши Сафияхон Ғуломова суяги меҳнатда қотганлардан. У уруш йилларида ҳам, ундан кейинги йилларда ҳам тикувчилик қилиб донг таратган. Холмирза ака ва Сафия опаларнинг уч қиз ва бир ўғиллари бор. Катта қизи — Малика инглиз тили ўқитувчиси, ўртанчаси — Шоҳидахон медик— шифокор, Лолахон «Ўзбекистон» фирмасида, ўғиллари Неъматжон Ўзбекистон «Ватан» жамиятида ишламоқда.

Холмирза ака Ғуломовнинг жангдаги ва меҳнат майдонидаги фидокорона хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Унинг кўксини «СССР энергетикаси аълочиси», «Ўзбекистон фахрий энергетиги», ««Энергетика ветерани» деган нишонлар безаб турибди.

Ҳозир Холмирза ака Ғуломов кексалик гаштини сурмоқда.

Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

•МЕҲНАТИНГ—ЗИЙНАТ...

ОҒА-ИНИЛА...

Назар Исамуҳамедовнинг тажриба-механика экскаватор ремонти заводининг 5-цехига ишга келганига салкам 30 йил бўляпти. Укалари Аҳмад билан Шуҳрат 18 йилдан бери шу ерда меҳнат қилишади. Кенжалари Шавкат эса ўз тақдирини яқиндагина шу завод билан боғлади.

Бу ерга келган киши то ўзлари айтмагунча уларнинг бир-бирига ака-ука эканлигини англамайди. Ҳар бири камгап, вақт шиддатини ишга йўналтиришни бемалол уддалай олади. Ҳар бири, одам боласи бажариши мумкин бўлган ишда қийинчилик бўлмайди, фақатгина кучли истак ва жиддий қунт бўлса кифоя, деб ўйлайди. Тўғри ўйлайди.

Н. Исамуҳамедов цехдаги энг илғор бригаданинг бошлиғи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери. Лекин орденим бор, деб гапиришни ёмон кўради. Бригаданинг 11 нафар аъзоси бари фидокор. Топшириқни 125—130 процентдан бажаришга кўникиб қолишган. Бригадирни ҳурмат қилишади. Бошлиқ эканлиги учун эмас, албатта. Яхши, ҳалол ишчи эканлиги учун. У бирор муддат ҳам тинч ўтирмайди. Ҳеч бўлмаганда дурадгорлик тешасини чархлайди. (Кейин яхши ишлаш учун).

— Бажарамаган десанг тўрт тарафингда ҳам иш топилади, — дейди. Ўзи буни жуда кўп марта (ишга киргандан бери) исботлаб келяпти. Ўзидан ёш ишчиларни ҳам шу йўсинда тарбиялашга эришяпти.

Шуҳрат Исамуҳамедов мазкур цехнинг бошлиғи. У ўз ишидан мамнун. Шу ерда ўзлигини таниди. Одамларни кўрди, ўрганди. Ҳаётидаги қувончу шодликларни амалга ошираётган ишлари, коллективи эришаётган ютуқлардан, деб билади.

— Бир ерда қарор топмай, умр бўйи ўн-ўн беш касбни ўзгартириб на ҳурмат эътибор ва на ўз ҳаётидан қониқиш топмай ўтган бир-иккита танишимни биламан,— дейди Ш. Исамуҳамедов. — Биламану, лекин ҳанузгача ўшаларга ҳайрон қолиб келяпман. Чуқурроқ ўйлаб кўрсак, ҳаёт биздан унча катта нарсаларни талаб этмайди. Фақатгина ҳаёт эмас, балки биз ҳам ҳаётни тушунишимиз керак. Бу деганим, қараб ўтирмасдан элга, ўзингнинг келажагингга мадад берадиган бирор-бир иш билан машғул бўлиш, шу жамиятнинг граждани эканлигининг мунтазам исботлаб туришинг лозим. Шундагина киши ўтган кунларига миннатдорона назар билан қараши мумкин. Тинчимай яшаш учун ҳам иштиёқ керак.

Цех бошлиғи бу ерда принципиал шахс сифатида танилди. Корхона ишлаб чиқариши бўйича бўладиган барча мунозарали йиғинларда иштирок этади. Унумдорликни ошириш бўйича қимматли таклиф, маслаҳатлар киритади. Уларни жорий этиш

• *Антисанитарияга ўт оч...*

ШАҲРИМИЗ ОЗОД... ВА ГЎЗАЛ БЎЛСИ...

Шаҳримизда олиб борилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари кўча ва хиёбонлар, уйларимиз атрофини обод ва кўркам қилмоқда. Лекин ҳамма жойда ҳам бу тартибга амал қилиняптими! Редакциямизга келаётган хатларга назар ташласак, йўқ дейиш мумкин. Газетхонлар уйлари олдида ахлат уюмлари пайдо бўлиб қолаётганлиги, оқибатда ҳаммаёқни пашша босиб кетаётганлиги, кечаси билан ором бермайдиган чивинлар квартираларда пайдо бўлаётганлиги ҳақида шикоят қилишмоқда.

Киров районидаги Цветочная кўчасида пайдо бўлган ахлатхона ҳар қандай кишининг кўнглини беҳузур қилади. Бу ерни пашша босиб кетган.

Икки ҳафтадан ортиқ вақтдан буён

НАФАС ОЛИБ... БЎЛМАЙ...

Пойтахтимизнинг ҳар бир районида ёз фаслида ҳамшаҳарларимиз хуш кўрадиган сўлим ва манзарали жойлар бор. Бу тушунарли: дам олиш, чўмилиш, балиқ ови пайти бошланди. Барқ уриб ўсаётган дов-дарахтлар, буталар соясида табиатдан баҳраманд бўлиш, ўт-ўланларнинг хушбўй исидан тўйиб нафас олиш жуда ҳам роҳатижондир...

Чимбой, Тансиқбоев номли, Қорақамиш сингари уй-жой массивлари бирлашган жойлар яқин вақтларгача кишининг баҳри-дилини очиб, кайфиятини чоғ этар эди. Ана шу массивларда «Олимпия» меҳмонхонаси ва «Фарғона» кафеси жойлашган. Йил сайин энига ва бўйига ўсиб бораётган ана шу массивларнинг аҳолиси мусаффо ҳавони, шаффоф ариқ суви, чексиз кенгликларни ғоятда қадрлашади.

Лекин шундай кишилар ҳам топилиб қолдики, уларга Қорақамишнинг азалий манзараси ёқмай қолди. «Сизларга тоза ҳаво шарт эмас,— дейишди улар,— бундай тоза ҳавода мириқиб ётаверасизми, энди кўланса ҳавода ҳам нафас олиб кўринг. Шундай қилиб улар меҳмонхона ва уй-жойлар олдидан ўтадиган ариққа қурилиш, маиший чиқиндиларни, автобаза, касалхоналарнинг дуч келган ахлатларини ағдара бошлашди. Дастлаб бирин-сирин, кейинчалик уялмай-нетмай ёппасига ахлат тўкиб кетадиган бўлишди.

— Йигитлар, ахлатларни қаёқдан олиб келяпсизлар, бу жойни шаҳар ахлатхонасига айлантириб юбординглар-ку?, — деб сўрадим дейди Тансиқбоев-3 массивида яшовчи Галина Евстифеева. Шофёр халқи бирам қувноқки, кулиб туриб шундай жавоб беришади: «Азизим, сизга нима ҳам дердик! Биз бу ахлатни Чуқурсойдан ташиб келтираётибмиз. Биз бу ерда фақат бажарувчимиз. Бошлиқларимиз шундай буюришаяпти, сизнинг бўлса фиғонингиз фа-

ЧИВИН ҚАЁҚДАН УЧИБ КЕЛМОҚДА

Биз Ўқчи кўчасидаги 107-а уйда истиқомат қиламиз. Шаҳар ёки район санэпидстанцияси мана бир неча йилдан буён атрофимиздаги ботқоқликни тугатиш билан мутлақо шуғулланмайди. Натижада пашша, чивин ва ўргимчакларнинг макони пайдо бўлиб қолди. Тери-неврология диспансерининг чиқиндилари, ахлатлари бу ердан мутлақо йиғиштириб олинмайди.

Бизнинг ҳовлимизга пашша ва чивинлар қа-



ЧИВИН: —Бу уйда ёки сен яшайсан, ёки мен...

ПАШША: —Салом бердик...

В. Златин



ДОИМО ОЛДИНГИ САФДА

В. И. Ленин номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университетининг тарихи музейида азиз ёдгорлик ардоқлаб сақланмоқда. Вақт ўтиши билан сарғайиб қолган бу варақ Халқ Комиссарлари Советининг Тошкентда Ўрта Осиёдаги биринчи олий ўқув юртини таъсис этиш тўғрисида улуғ йўлбошчи 1920 йилда имзолаган қароридир.

Ўтмишда қашшоқ ва ҳуқуқсизлик ҳукм сурган ўлкада университет сочган илм-фан уруғлари мўл-кўл мева берди. Ўз бунёдкорлари номи билан юритилувчи олий мактаб ... ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларининг отаси бўлиб қолди, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ташкил этилишида ҳам бу илм-фан даргоҳининг хизмати катта бўлди.

ЎзТАГ мухбири И. Алимов университет ректори, Ўзбекистон ССР фанлар академиясининг академиги С. Х. Сирожиддиновга учраб, олий ўқув юртининг ҳаёти ҳақида, коллектив қандай вазифаларни ҳал этаётгани тўғрисида, у республика билан Ўзбекистон Компартиясининг шонли юбилейига қандай ҳозирлик кўраётгани ҳақида гапириб беришни илтимос қилди

— Гапни рақамлардан бошлайман, — деди С. Х. Сирожиддинов. — Университет коллективи 25 минг кишидан иборат. Унинг 20 минги студентлардир. Улардан 10 минг йигит ва қиз кундузги бўлимларда илм олмоқда. Ҳар йили 3 минг мутахассисни ишга йўллаяпмиз. Бу Ўрта Осиёнинг энг йирик олий ўқув юртида таълим-тарбия ишлари қандайли кўлами ... далолат беради.

Коллектив КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ўртага қўйган вазифаларни бажаришни бош вазифаси деб билади. Жумладан, илмий тадқиқотларнинг самарадорлиги, илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлашга катта эътибор бераяпмиз. Университетда ... генетикларнинг ўз мактаби вужудга келди. Олимлар пахтачиликни янада ривожлантириш учун кўп иш қилмоқдалар, жумладан, ғўзанинг янги навларини етиштиришда, бегона ўтларга, ўсимлик зараркунандалари ва касалликларига қарши курашнинг самарали воситаларини яратишда, «оқ олтин» сифатини яхшилашда қатнашмоқдалар. Химиклар кенг миқёсда қўлланила бошланган дефолиантлар, гербицидлар, медицинада зарур бўлган полимерларни ишлаб чиқдилар. Биотехнологлар пахта саноати чиқитларидан глюкоза олдилар. Ихтиологлар кўл ва ҳовузларда балиқчиликни ривожлантиришга оид бир қанча қимматли тавсияларни жорий этдилар. Гельминтологлар қорамол ҳамда қўй ва эчкиларнинг касалликларига қарши курашишнинг самарали воситаларини таклиф қилдилар. Математиклар эҳтимоллик назарияси ва математик статистика уфқларини кенгайтирдилар, бу эса кўпгина саноат корхоналаридаги технология жараёнини анча такомиллаштириш имконини берди. Улар геологларнинг, тилшуносларнинг, бошқа соҳалар мутахассисларининг мураккаб вазифаларини ҳал этишни ҳам енгиллаштириб бердилар.

— Саъди Ҳасанович, бу ишларда студентлар иштирокининг улуши қандай?

— Бу ишларда уларнинг анчагина улуши бор. Гап шундаки, бизнинг мақсадимиз ёшларни мустақил турмушга қадам қўйишга тайёрлашдан, уларни актив ижодкорликка руҳлантиришдан иборат. Яхшилаб жиҳозланган лабораториялар шунга хизмат қилади. Студентлар бевосита ишлаб чиқаришда, жумладан чет элларда практикадан ўтадилар. Республика Фанлар академияси билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатилган, студентлар у ерда стажировкадан ўтмоқдалар.

Янги планларда биз муаллимларнинг, асосан студентларнинг тадқиқотлари натижаларини айрим корхоналардагина эмас, бутун-бутун тармоқларда жорий этишни кўзда тутдик. Шундагина уларнинг лойиҳалари кўп марталаб қўлланиладиган, яъни кўпроқ самара берадиган бўлади. Бунда энг актуал мавзуларга кўпроқ эътибор берилмоқда. Бундай янгича ёндошиш шу йилнинг ўзидаёқ наф беради деб ўйлаймиз: биз қарийб 6 миллион сўмлик хўжалик шартномалари туздик.

Илгари проблемавий лабораториялар ходимларининг бир қисми таълим жараёни билан боғланмаган бўлиб, фақат илмий тадқиқотлар билан шуғулланар эди. Энди уларнинг ҳар бири студентлар группасини оталиққа олиб бўлажак мутахассисларни ташаббускорлик, омилкорлик руҳида тарбиялаши, уларни мустақилликка, масъулиятли қарорлар қабул қилишга ўргатиши лозим.

Турмушнинг ўзи тақозо этган мана шу ва бошқа ўзгартишлар университетнинг илмий ҳаётини активлаштиради, деб ўйлаймиз.

Партия биз, олий мактаб ходимларидан ёшларни юксак ғоявийлик, ватанпарварлик, жонажон Коммунистик партияга садоқат руҳида тарбиялашни талаб қилмоқда. Шу муносабат билан ижтимоий фанларнинг роли ошмоқда. Университетда студентлар марксизм-ленинизм назариясини, КПСС тарихини, сиёсий иқтисодни, бошқа фанларни чуқурроқ ўзлаштириб олишлари учун ижтимоий фанларни ўқитишни такомиллаштириш юзасидан бир қанча тадбирлар ишлаб чиқилди.

— Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари қабул этилиши хусусида коллектив қандай фикр билдирди?

— Бу саволнинг жавоби битта — таълим жараёнини қайта қуриш, уни имкони борича мактаб билан яқинлаштириш керак, чунки университетни битириб чиққан кишиларнинг 30—35 проценти мактабларга ишга юборилади. Янги ўқув йилидан бошлаб кўпчилик факультетларда педагогика, психология сингари фанларни киритиш назарда тутилмоқда (ҳозир бу фанлар икки-уч факультетдагина ўқитилмоқда). Бу фанлар бўлажак ўқитувчиларни болалар қалбига йўл топиш, уларнинг талаб-эҳтиёжларини тушуниш маҳорати билан қуроллантиради.

Университет комсомол комитети яхши ташаббус бошлади. Собир Раҳимов районида оталиғимиздаги мактабларда геология, биология, математика, физика сингари турли фан соҳасида тўгараклар ташкил этилмоқда. Бу тўгараклар ёш олимлар кенгаши раҳбарлигида асосан юқори курсларнинг студентлари ишламоқда. Бундан икки томон ҳам манфаат кўриши турган гап.

Студентларнинг ўқувчилар билан алоқа боғлашида мактабларда лекция ўқиш формаси ҳам ўзини оқламоқда. Бу форма олий мактабда ўқишни давом эттирмоқчи бўлган ёшларга университет ҳаёти билан танишиш имконини беради. Мактаблар учун пионервожатийлар тайёрлашга киришиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинмоқда.

Университетда материални мароқли, қизиқарли баён эта оладиган, унинг моҳияти ва негизини лўнда қилиб тушунтириб бера оладиган профессорлар, доцентлар, муаллимлар кўп. Уларни биз илм-фанни оммалаштирадиган брошюралар туркумини тузишга, мактаб ўқувчиларига тушунарли ва қизиқарли бўлган бошқа китоблар тайёрлашга жалб қилаяпмиз.

Университет профессорлари билан муаллимлари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш, ҳамиша олдинги сафда бўлиш, илмий ва педагогик фаолиятни шу куннинг талаблари билан янада кўпроқ яқинлаштириш, Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ҳамма ишни қилмоқдалар.

ФАН ВА ТЕХНИКА: ИЗЛАНИШЛАР, КАШФИЁТЛАР

БАКТЕРИЯЛАР ПРОГРАММАГА БЎЙСУНАДИ

Латвия ССР Фанлар академияси микробиология институтида нафас олиш интенсивлигини ўлчайдиган автомат система яратилди. Биологлар ва кибернетиклар энг содда жониворларнинг ҳаётига бундай қизиқиб қараётганликларининг сабаби бор. Бугунги кунда микроорганизмларни н г кўплари «технологик линияларда «ишламоқда» ва ундан аминокислота, ем оқсили, фермент, антибиотиклар олинмоқда. Ҳар қандай биореакторга қўйиш мумкин бўлган приборлар истеъмол этувчи кислород билан ажратиб чиқарилувчи карбонат ангидрид миқдорини тинимсиз қайд этиб боради.

Олимларнинг ёрдами билан биохимия заводида биринчи автоматлашган биологик цех барпо этилмоқда. Ҳозир олимлар олиб бораётган тадқиқотлардан мақсад-аэроб бактериялар, ачитқи, микроскоп замбуруғлар олиш бутун технологиясини программа билан бошқаришга ўтказишдан иборатдир. Компьютер тирик организм қандай ишлаётганлиги тўғрисида маълумотлар беради. У температура, кислота миқдори, озуқа муҳим таркибининг ўзгариши тўғрисида мустақил қарор қабул қила олади. Келгусида микробиология саноати корхоналарида бундай системалар одам иштирокисиз ишлаб чиқариш жараёнини ростлаб тура оладиган бўлади.

* * *

ЯНГИ ҚУМ ҚУРИТГИЧ

Асфальт-бетонн и н г асосий таркибий қисми бўлмиш қумнинг бир тоннаси қуритиш ва иситишга ўнлаб литр ёқилғи керак бўлади. Бутуниттифоқ электр энергетика илмий-тадқиқот институти Тожикистон илмий-тадқиқот бўлимининг олимлари яратган қурилма ана шу сарфни йўқ қилишга имкон беради.

Конструкцияда индукцион иситиш методидан фойдаланилган, иссиқлик анъанавий усулдаги сингари ҳаво воситаси билан эмас, балки қум зарраларининг бевосита иситиш элементларига тегиши орқали ўтказилади. Бунда иссиқлик исроф бўлиши жуда оз даражада, чунки бутун жараён ёпиқ камерада боради ва бу ерда 300 градус температура вужудга келтирилса бас. Эски технологияда бундан уч баравар кўп иситишга тўғри келарди.

Бу қурилма лойиҳаланаётган электрлаштирилган асфальт-бетон заводининг таркибий қисми ҳисобланади. Мутахассислар бундай завод экологик беғубор бўлади, деб ҳисобламоқдалар. Электр қурилмаларни қўллаш туфайли одатда тутун билан бирга ҳавога чиқиб кетадиган минерал чангни ҳам батамом ушлаб қолиш мумкин бўлади. Ҳатто қумни иситганда чиқадиган буғдан ҳам фойдаланилади.

(ТАСС).

● ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА

НОННИ ЭЪЗОЗЛАНГ

Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти мажлислар залида филология фанлари кандидати, доцент М. Туробова бошчилигида «Нонни эъзозланг!» мавзуида давра кечаси ўтказилди. Унда, айниқса, немис ва француз тили факультетининг 2-курс студентлари жонбозлик кўрсатдилар. Кечада ҳар бир группа студентлари «Нонни эъзозланг!», «Ноннинг увоғи ҳам нон», «Нон — бу ҳаёт», «Тошкент — нон шаҳри», «Нон — кўз қорачиғимиз», «Олтин бошоқ», «Нон нашидаси» каби ўндан зиёд деворий газеталар чиқаридли, йигирмага яқин столда эса студент қизлар тайёрлаган турли нонлар кўргазмаси уюштирилди.

Деворий газеталар ва нон кўрик-конкурси ғолиблари институт ва факультет комсомол ташкилотлари томонидан муносиб тақдирланди.

С. РИЗАЕВ.





Шу кунларда она юртимизнинг хушманзара оромгоҳлари, тоғ ён бағирлари, водийлар қўйнидаги пионер лагерлари мактаб ўқувчиларининг шодон кулгилари билан тўлиб-тошган. Улар бу ерда ёзги таътилни гаштли ўтказиш билан бирга жонажон табиат манзаралари билан танишадилар, доривор гиёҳларни йиғишда катталарга ёрдам берадилар. Бўстонлиқ районининг энг хушманзара жойларидан бири Наволисой дарёси соҳилида жойлашган «Ўрмон эртаги» пионер лагерида ҳам бу йил 700 дан ортиқ мактаб ўқувчилари каникулни мароқли ўтказишади.

СУРАТЛАРДА: катта пионервожатий О. А. Андреева ўқувчиларни доривор гиёҳлар билан таништирмоқда; «Ўрмон эртаги» пионер лагерида дам олаётган ўқувчилар походдан қайтишмоқда.

И. Портнов фотолари.

● Санъатнинг сеҳрли олами

ЎЗБЕКИСТОН—БУТУНИТТИФОҚ ВИСТАВКАСИДА

Бокуда очилган Бутуниттифоқ мўйқалам асарлари виставкасига ўзбекистонлик рассомларнинг ўттизта асари тақдим этилди. Георгий Циганов, Марат Содиқовнинг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига бағишланган туркум асарлари, Владимир Антоновнинг «Индустриал Ўзбекистан», Георгий Кимнинг Самарқанд тўғрисидаги асарлари республика ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

Озарбайжон пойтахтида бошланган VII Бутуниттифоқ виставкаси бошқа қардош республикаларга, сўнгра эса чет мамлакатларга юборилади.

АВАЗ ЎТАР ТЎҒРИСИДА ФИЛЬМ

Ўзбекистон ҳужжатли кино усталарининг «Аваз» деб аталган янги лентаси хоразмлик ажойиб демократ шоир Аваз Ўтар тўғрисида ҳикоя қилади. Область музикали драма ва комедия театрининг «Ғазал фожиаси» спектаклидан олинган саҳна, тарих материаллари, Хива кўчалари, шоирнинг музейга айлантирилган уйи, жаҳолат ва истибдод асарида ўз шеърлари билан инсонни ҳимоя қилган, озодлик тўғрисида, халқнинг порлоқ келажагига ишонч ҳақида ғазаллар тўқиган Аваз Ўтарнинг ҳаёти ва ижоди манзарасини яратади.

«Аваз» фильми шоир таваллудининг 100 йиллигига бағишланган.

(ЎзТАГ).

«ПАХТАКОР» ҲАҚИДА 17 ФИКР

Ю. А. МОРОЗОВ,
спорт мастери, педагогика фанлари кандидати, РСФСРда хизмат кўрсатган тренер, МАСК командасининг катта тренери.

— Юрий Андреевич, 1:0 ҳисоби майдондаги ... уларни тўғри ифодалайди деб ўйлайсизми?

— «Пахтакор»нинг ғалабасини камситмаган ҳолда шуни айтишим мумкинки, бизнинг ҳужумчиларимиз Нестеров ва Бурданов ҳам дарвозани нишонга олишлари мумкин эди. Тўғри, биринчи бўлимда майдонда пахтакорчиларнинг устунлиги яққол кўзга ташланиб турди. Агар бизнинг ҳужумчиларимиз ҳам имкониятдан фойдаланиб дарвозани нишонга олишганида ўйин бутунлай бошқача давом этган бўларди. Масъулиятли дақиқаларда пахтакорчиларнинг дарвозабони Александр Яновский ажойиб маҳорат ва чаққонлик кўрсатди. Дастлаб у Нестеров томонидан 7—8 метр масофадан катта куч билан тепилган тўпни қайтарди. Кейин эса тўпни Бурдановнинг оёғи тагидан олиб қўйди.

— Пахтакорчилардан кимларнинг ўйини маъқул бўлди?

— Менга ёш ҳужумчи Игорь Шквириннинг ҳаракатлари жуда ёқди. У техник жиҳатдан ҳам, маҳорат жиҳатдан ҳам юксак тайёргарликка эга. Ярим ҳимоячилардан Степан Юрчишин анча жонбозлик кўрсатди. Аммо ҳал қилувчи дақиқаларда унда қатъият етишмаётганга ўхшайди. Нуриддин Амриев ярим ҳимоячи вазифасини нуқсонсиз бажарди. Ҳимоячи Мустафо Билолов яхши ўйнади. У бизнинг баланд бўйли ҳужумчиларимиз билан бўлган барча олишувларда ғолиб чиққанини кўрдим.

— «Пахтакор» бугунги состав билан олий лигада қолиш учун кураша оладими?

— «Пахтакор» олий лигада қолиш масаласини ҳал қилиши мумкин. Чунки у ҳозир ҳар жиҳатдан яхши комплектланган командалардан бири бўлиб қолди. Тажрибали ўйинчилар билан ёшларнинг ўйғунлиқда ҳаракат қилиши, албатта яхши натижаларга олиб келади. Тўғри, чемпионатнинг бошланишидаги муваффақиятсизликлар коллективни бироз эсанкиратиб қўйди. Тажрибадан келиб чиқиб, шуни айтишим мумкинки, охирги ўриндан юқорига кўтарилиш ниҳоятда қийин. Ҳамиша катта бир юк босиб тургандек бўлади. Аммо тошкентликлар ана шу юкни бартараф этиб, майдонда чиройли ва ҳужумкор ўйин кўрсата бошлашди. Демак, уларда олий лигада мустаҳкамланиб қолиш имкони вужудга келди. Мен командага ва унинг мухлисларига омад тилайман.



Тўп учун кураш. Р. Загратдинов фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ИШЧИ ШАРАФИ

БУДАПЕШТ. Енгил саноат корхоналари учун машина-ускуналар ишлаб чиқарадиган Чепель заводининг коллективи СССРга ўз вақтида сифатли маҳсулот юбориб туришни ишчилик шарафи деб ҳисоблайди. Коллектив шу йилнинг ўзидагина жами қарийб 20 миллион сўмлик серунум тикиш, бичиш ва дазмоллаш машиналарини Совет Иттифоқига юборади.

Яқинда чет элликлар зарур машина-ускуналарни тайёрлаётиб, Тбилисидаги тикувчилик фабрикасини реконструкция қилишда қатнашдилар. Келаси ой ВХР станоклари Львовдаги худди шундай фабрикада ҳам ишга туширилади.

СССРга аталган машина-ускуналар чет эллардаги энг яхши намуналар даражасига мувофиқ келишига ҳамиша ҳаракат қиламиз, деди корхонанинг коммерция директори Л. Ноградн. Шу мақсадда кейинги вақтлар заводда олти хил типда янги машиналар ишлаб чиқилди. Шу машиналар ҳар томонлама синаб кўрилганидан сўнг 1985 йилдан бошлаб буюртмачиларга юборилади.

Завод жами маҳсулотининг 60 процентга яқини Совет Иттифоқига юборилмоқда, деди Л. Ногради. Ишлаб чиқаришимизни янада ўстириш, Венгрияда, СССРда ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатларнинг енгил саноат машина-ускуналарига эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш учун барқарор замин яратувчи мана шу алоқаларни қадрлаймиз.



Венгрия иссиқ ер ости минерал сувларига жуда бой. Улардан даволаш мақсадларида кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, ер ости иссиқ суви базасида бутун бир курортлар тармоғи ишлаб турибди.

Республика аҳолиси ва меҳмонлари ўртасида катта шуҳрат қозонган Хайдусобосло курорти бу йилги ёзги мавсумнинг очилишига пухта тайёргарлик кўрди.

СУРАТДА: шифохоналардан бирининг сув ҳавзасида.

МТИ—ТАСС фотоси.

ЎРИМ БОШЛАНДИ

УЛАН-БАТОР. Монголияда муҳим қишлоқ хўжалик кампанияси — пичан ўрими бошланди. Бу йил республика қишлоқ меҳнаткашлари олдида масъулиятли вазифа турибди — улар 1.1 миллион тоннадан зиёд пичан, анчагина бошқа ем-хашак тайёрлашлари керак. Ўримдан олдин жиддий тайёргарлик ишлари бажарилди: тракторлар, ўрнатиладиган агрегатлар, бошқа хил машина-ускуналар ремонт қилинди, созланди, пичани ўриладиган ерлар белгилаб чиқилди. Одам ресурслари мақбул тарзда тақсимлаб чиқилди. МХРнинг бир қанча аймоқларида сув чиқариш ва ўғит солиш ҳисобига икки мартадан ем-хашак ҳосили олиш мўлжалланмоқда.

Мустаҳкам ем-хашак базасини яратиш Монголия чорвачилигини ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. Республикада кейинги йилларнинг ўзидагина совет мутахассисларининг ёрдами билан ўнлаб ихтисослашган хўжалик ва цехлар қурилди, ҳамма ерда механизациялашган пичан ўриш бригадалари ва звенолари тузилмоқда.

БУҒ ТУРБИНАЛАРИ ЯНГИ АВЛОДИ

ПРАГА. Пльзендаги «Шкода» машинасозлик бирлашмаси турбина заводининг коллективи ва унинг конструкторлик бюроси Чехословакия электр станцияларида ишлаб турган буғ турбиналарини янгилаш катта программасини бажаришга киришди. 110 ва 200 мегаватт қувватли турбиналар лойиҳадаги иш муддати битиб борган сайин улар янги, янада тежамли агрегатларга алмаштирилиб боради.

Бу агрегатлар электр энергияси ҳосил қилишдан ташқари, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг эҳтиёжлари учун иссиқлик энергиясини ҳам берадики, натижада ёқилғидан нафли фойдаланиш қарийб икки ҳисса ортади. Давлат электр станцияси «Прунержов» учун дастлабки икки турбина лойиҳаланиб, ишга тушириб юборилди, «Тушимице» ва «Почеради» электр станцияларида 200 мегаваттли иккита турбина ўрнатилди. Бу электростанцияларни реконструкциялаш бир процент ёқилғини тежашга имкон беради. Бу эса йилига 10 минг тонна кўмирни ташкил этади.

Термофикация эҳтиёжларини назарда тутиб, мамлакатнинг бошқа электр станцияларида, шу жумладан Ясловский Богуница ва Дуковани атом электр станцияларида дастлабки турбиналар реконструкция қилинади.

ПУХТА МАРКА

ХАНОЙ. Ханойда «Тхонгнят» маркаси билан тайёрланаётган велосипедларни Социалистик Вьетнамнинг турли шаҳар ва вилоятларида учратиш мумкин. Бу велосипедлар чет элларда ҳам манзур бўлди. Ҳозирги вақтда пойтахтдаги велосипед ишлаб чиқарувчи корхоналар уларни кўпайтириш мақсадида хайфонлик ҳамкасблари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантирмоқдалар.

СИНОВЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ ЧИҚДИ

ГАВАНА. Кубанинг Нуэвитас шаҳрида жойлашган «10 октябрь» иссиқлик электр станцияси тўртинчи навбатининг синовлари муваффақиятли ўтди. Станция янги навбатининг қуввати 125 миллион киловатт-соатга боради. У июль бошларида давлат энергетика системасига уланади. Айни маҳалда бешинчи ва олтинчи навбат участкаларида иш қизғин бормоқда. Шу участкалар фойдаланишга топширилгач, 1986 йилда «10 октябрь» иссиқлик электр станцияси 560 миллион киловатт-соатдан кўп электр энергия бериб туради. Бундан чорак аср аввал революция ғалабасига қадар Кубанинг ҳамма электр станциялари шунча энергия берарди.

ДУНЁ ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

УЛАН-БАТОР. Монголиянинг катталиги жиҳатидан иккинчи саноат маркази — Дароон шаҳрида совет фани ва техникаси виставкаси — «Сельхозтехобслуживание — 84» очилди. Унда қишлоқ хўжалик корхоналарининг замонавий ремонт базаси, устахоналар, техника хизмати пунктларининг комплекс машина-ускуналари, механизациялашган кўчма ёнилғи улашиш, диагноз қўйиш ва жорий ремонт қилиш воситалари кўрсатилмоқда. Виставканинг иш программаси СССРнинг қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш ва уни ишлатиш соҳасидаги илғор тажрибалари билан МХР қишлоқ хўжалик мутахассисларини батафсил таништиришга мўлжалланган.

* * *

ЛИССАБОН. Португалия пойтахти метроси ўзига хос рекорд қўймоқда. Шу ҳафтанинг бир кунидагина унинг линияларида тўртта авария бўлди. Натижада ҳаракат бир неча соат тўхтаб қолди. Поездлардан бирининг йўловчилари олиб чиқиб кетишни кутиб туннелда 20 минут қолиб кетдилар.

* * *

ҚОҲИРА. «Ал-Жумҳурия» газетаси Африка ва Яқин Шарқнинг катта шаҳри тўғрисида «Қоҳира бўғилмоқда» деган мақола босиб чиқарди. Унда айтиладики, Миср пойтахти аҳолининг зичлиги жиҳатидан дунёда Нью-Йорк ва Токиодан кейин учинчи ўринга чиқди. Бу ерда 1 квадрат километрдаги аҳоли сони 2400 кишига боради. Шаҳарнинг марказий районларида икки квадрат метрда 5 нафар қоҳиралик яшамоқда, деб ёзади «Ал-Жумҳурия». Расмий маълумотларга кўра, пойтахт аҳолисининг сони 11 миллиондан ошиб кетган, деб давом қилади газета, ҳақиқатда аҳоли бундан ҳам анча кўп. Шу билан бирга бутун шаҳар коммунал хизматлар комплекси, шу жумладан сув таъминоти ва канализация системалари атиги 2 миллион кишига мўлжалланган. Катта Қоҳирада уй-жой ғоятда танқис, транспорт ва атроф-муҳит проблемалари оғир.

Шунга қарамай, шаҳар аҳолиси табиий кўпайиш натижасида, шунингдек мисрликлар мамлакатнинг ҳамма томонидан иш излаб бу ерга келиши натижасида ғоятда тез кўпайиб бормоқда. Туб чоралар кўрилмаса икки мингинчи йилга борганда катта Қоҳирада 20 миллиондан кўп киши бўлади, деб огоҳлантиради «Ал-Жумҳурия».

* * *

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Бразилиядаги Сан-Паулу шаҳрининг полицияси чақалоқларни чет элларга сотиш билан шуғулланувчи яна бир жиноятчи гуруҳ фош этилганлигини хабар қилди. Полициянинг маълумотларига кўра, кейинги икки йил ичида жиноятчилар бефарзанд ажнабийларга 30 га яқин чақалоқни сотганлар ва ҳар бирига 500 доллардан ҳақ олганлар.

Чақалоқларни тўрт кишидан иборат тўда «экспорт» қилиб турган. Маҳаллий касалхоналардан бирининг директори ва катта ҳамшираси ҳам бу ишга аралашиб, жиноятчиларга ёрдам бериб турган. Бечора ёлғиз оналар ўз фарзандларини сотишга мажбур бўлганлар.

ҲАМКОРЛИКНИНГ БОЙ ТАЖРИБАСИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ахборот ва радиоэшиттириш министрининг ўринбосари Ғулом Наби Озод ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон маданият соҳасида ҳамкорлик қилиш борасида бой тажриба орттиришган. Бироқ, ҳар икки мамлакат эришилган натижалар билан кифояланиб қолмасдан, балки кинематография, радио ва телевидение программаларини мунтазам равишда айирбошлаш соҳасида кооперацияни янада кенгайтириш учун мавжуд имкониятларни муттасил ўрганмоқда.

Ҳозир мамлакатларимизнинг киностудиялари, деди Ғ. Н. Озод, биринчи Совет — Ҳиндистон космик парвози тўғрисида рангли ҳужжатли фильмни чиқаришга тайёргарлик кўрмоқда. Мустақил Ҳиндистоннинг биринчи Бош министри Ж. Неру тўғрисидаги фильм устида олиб борилаётган биргаликдаги иш ниҳоясига етай деб қолди.

Биз, деди сўзини давом эттириб ахборот ва радиоэшиттириш министрининг ўринбосари, Ҳиндистон кино санъати Тошкентда ўтказилган Халқаро кинофестивалларда ҳамиша кенг намойиш этилганлигидан фахрланамиз. Ўзбекистон пойтахтидаги нуфузли кино кўриги санъатда ва турмушда тинчликни, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни қарор топтириш мақсадларига хизмат қилади.

Бизнинг бошқа халқлар билан тинч-тотув яшашга бўлган мудаомиз, деди сўзининг охирида Ғулом Наби Озод, Ҳиндистон конституциясининг асосий қоидасига мос бўлиб тушади. Биз бошқа тинчликсевар халқлар билан, Совет Иттифоқи билан биргаликда уруш хавфини мутлақо тугатиш учун, ядро қуроли пойгасини жиловлаш учун барча воситалар билан кураш олиб бормоқдамиз.

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЕХНИКУМИ
1984-1985 ўқув йили учун

Биринчи курсларга тўлиқсиз ўрта маълумотлилардан, ўқиш муддати қисқартирилган группаларга ўрта маълумотлилардан

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум қуйидаги ихтисослар бўйича темир йўл транспортининг техникларини тайёрлайди: тепловоз хўжалиги, изотермик вагонлар ва совутиш хўжалиги, сим алоқаси (темир йўл бўйича телеграф-телефон алоқа: телеграф, телефон, (фақат 10 синфни тамомлаганлар), **темир йўл транспортида автоматика ва телемеханика, радиоалоқа ва радиоэшиттириш** (фақат 10 синфни тамомлаганлар), **темир йўл электровоз хўжалиги, темир йўл транспортини энергия билан таъминлаш ва энергетика хўжалиги.**

Ўқиш муддати қисқартирилган группаларга 8 синфни тамомлаган 30 ёшгача бўлганлардан аризалар 31 июлгача (ўрта маълумотлилардан 13 августгача) **қабул қилинади.**

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Ўқувчилар бепул кийим-бош, бепул темир йўл билети билан таъминланадилар.

Техникумда ётоқхона бор.

Яхши баҳолар билан ўқийдиган ҳамма ўқувчилар ойига 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланади. Ўқиш аълочилари учун стипендия 25 процент миқдорида оширилади.

Техникумда темир йўл транспортининг ҳамма мутахассисликлари бўйича сиртқи бўлим бор.

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, Ленин райони, 2-Сарикуль кўчаси, 3-уй (1, 2, 5, 8, 10-трамвайларнинг «Сарикульская» ва «Буденний» бекатлари, 111-автобуснинг «Темир йўл техникуми» бекати). Телефонлар: 32-43-25, 32-40-85, 32-44-96.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

контролёр-кассирлар тайёрлайдиган
6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ва озиқ-овқат молларининг кичик сотувчиларини тайёрлайдиган
4 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга 8—10-синф ҳажмида маълумотли, 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган тошкентлик қизлар ва йигитлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўқувчиларга ҳар ойда 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчилар бир вақтнинг ўзида кечки мактабда ёки савдо техникумида ўқишлари мумкин.

«Ёшлик» мактаб-магазинини тугатганлар йирик магазинларга ишга йўлланма билан юборилади ва уларга Совет савдоси техникумининг кечки бўлимига кириб ўқишлари учун имтиёзлар берилади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (1, 2, 5, 8, 9, 10, 24, 26-трамвайлар; 2, 3, 22, 39, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати). 55-75-15 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» МАХСУС ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ
11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:

ёритиш бўйича электр монтажчи, ёритиш тармоқлари бўйича электр монтажчи, кучланиш тармоқлари ва электр қурилмалари бўйича электр монтажчи, электрослесарь, электр-газ пайвандловчи, коммутация иккиламчи тармоқлари бўйича электр монтажчи, лифтларни монтаж қилиш бўйича слесарь-монтажчи, (Ватанимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган), **контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика ремонти бўйича слесарь, киномеханик** (фильмларни текшириш ишини бажара оладиган), **радиотелевизион аппаратларга хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш бўйича радиомеханик.**

Ўқиш муддати — 1, 2, 3 йил.

Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 14,5 ЁШДАН КАТТА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга 8 синф ҳажмида маълумот билан қабул қилинганлар 3 йил ўқийдилар ва тўла ўрта маълумот ҳамда ихтисоси тўғрисида диплом оладилар. Ўқувчилар уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар. 10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган ўқувчилар ойига 30 сўмдан 76 сўмгача миқдорда стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида электромонтажчилар, электр-газ пайвандловчилар группаларининг ўқувчилари иш ҳақининг 50 процентини оладилар ва уларга ётоқхона берилади, бошқа группаларнинг ўқувчилари иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган ва электр монтажчи мутахассисликлари бўйича ўқишга кирган йигитлар учун ўқиш муддати бир мунча қисқартирилган: 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун 7,5 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 10,5 ойгача.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАНИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Билим юрти битирувчилари техникумлар ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар корхоналарда мажбурий иш муддатини ўтамаган ҳолда ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юборилади.

Билим юрти яхши спорт базасига эга, 14 спорт секцияси ишлаб турибди. Техника ижодкорлиги, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

АРИЗАЛАР СОАТ 9.00 ДАН 16.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, медицина справкаси; турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 4 дона фотосурат (3х4 см.),

Тўғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (паспорт), **ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома** (ҳарбий билет) **шахсан кўрсатилади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановлик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 33, 34, 40, 45, 58, 70, 79-автобусларнинг 4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД УзССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ», «ЖИЛСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ
3-ИРИК ПАНЕЛЛИ УЙСОЗЛИК ЗАВОДИГА

қолипчилар, кўприкли кран машинистлари, бетон қориш қурилмаларининг операторлари.

Меҳнат ҳақи — ишбай—мукофотли.

Елғизларга яхши жиҳозланган ётоқхоналардан жой берилади.

Оилалилар 1 йил давомида ётоқхона билан таъминланадилар.


Квартира эса навбат асосида берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — аҳолини ишга жойлаштириш бўйича марказий пункт.

КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

МАКТАБДА ЎҚИЛГАН ЙИЛЛАР ОРТДА ҚОЛИБ КЕТДИ. БУГУНГИ КУНДА ҲАР БИР БИТИРУВЧИ «КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?» ДЕГАН ОРЗУ БИЛАН ФИКР ЮРИТМОҚДА.

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ» НИНГ
18-МАКТАБ-МАГАЗИНИГА
ЎҚИШГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!



МАКТАБ-МАГАЗИНИГА 17 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Тошкент шаҳрида доимий прописка бўлиши мажбурий.

Ўқувчиларга ойига 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия тўланади.

ЎҚИШ ТУГАГАНДАН КЕЙИН БИТИРУВЧИЛАРГА САНОАТ МОЛЛАРИНИНГ КИЧИК СОТУВЧИСИ ИХТИСОСЛИГИ БЕРИЛАДИ.


Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: аттестат, мактабдан характеристика, директор номига ариза, 2 дона фотосурат (6х9) ва 2 дона фотосурат (3х4 см.); паспорт, агарда бор бўлса меҳнат дафтарчаси.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА (шанба ва якшанбадан ташқари) ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. **Танаффус соат 13.00 дан 14.00 гача.**

Маълумотлар олиш юзасидан мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 20-уй. (Телефон 53-47-46, кадрлар бўлими).

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ».

ХОНАДОНИНГИЗДА ИСТАЛГАН САЛҚИНЛИК МУҲАЙЁ...



Ёз эндигина бошланган бўлса ҳам, лекин биз унинг қайноқ нафасини яққол сезиб турибмиз. Иссиқ кунлар кишини толиқтиради, иш қобилиятини сусайтиради. Отпускага эса ҳали бир мунча вақт бор...

Кондиционер билан биргаликда сизнинг хонадонингизга салқинлик ҳам кириб келади!

У ҳавони 8—12 даража совутади, белгиланган температурани автоматик тарзда сақлаб туради, лозим бўлганида хонани шабадалатади.

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА СИЗ НАҚД ПУЛГА ВА КРЕДИТГА КОНДИЦИОНЕРЛАРНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

БК-1500 (баҳоси — 325 сўм) — **майдони 25 кв.м хоналар учун;**

БК-200 (баҳоси — 350 сўм) — **30 кв.м хоналар учун;**

БК-2500 (баҳоси — 375 сўм) — **35 кв.м хоналар учун;**

КОНДИЦИОНЕР ТАШКИЛОТЛАРГА ПУЛ ТЎЛАШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТИЛАДИ.


«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ (телефон 77-13-06).

ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА!

«ТОНГ» МЕБЕЛЬ ГАРНИТУРИ ҚУЛАЙ ВА ЧИРОЙЛИ

ЁТОҚХОНА ТЕРМАСИГА ҚУЙИДАГИЛАР КИРАДИ:

ички кийимлар ва кўйлаклар шкафи;
иккита кровать;
кровать олди тумбалари;
трельяж;
банкетка.



«ТОНГ» МЕБЕЛЬ ГАРНИТУРИНИ ЛЕНИНГРАДДАГИ «ЛЕНПРОММЕБЕЛЬ» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ МУТАХАССИСЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚИШГАН.

Мебель «шпон» (асл навли дарахтларнинг нозик қирқими), «олтин томирча» билан безакланган, полиэфир лаки билан қопланган. Тошойна сирти иссиқдан ва совуқдан айнимайди.

«ТОНГ» «ТОШКЕНТ» МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА ТАЙЁРЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА.

«ТОШКЕНТ» МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон 48-40-27).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-28).

ТВ ЖУМА

22 ИЮНЬ

● МТ I

17.50 С. Франк. Скрипка ва фортепьяно ижроси учун ля мажор сонатаси.
18.15 Тарих саҳифалари. «Қалб хотираси».
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
19.55 «Ўлмас гарнизон». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 Икки марта Қизил байроқли А. Александров номли Совет Армияси академик ашула ва рақс ансамблининг концерти.
23.05 Мотоспорт бўйича халқаро мусобақалар. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Саёҳатчилар клуби».
19.45 —20.30 В. И. Саввин хотираси учун волейбол бўйича халқаро турнир. Эркаклар. СССР —Куба терма командалари.
20.45 «Бу йўлларни биз унутмаймиз».
21.30 «Время».
22.05 «Унутма, «Луговая станция». Бадиий фильм.
23.25 «Ер ости бойликларига». Илмий-оммабоп фильм премьераси.
23.55 Н. А. Некрасов. «Поэмалар».
00.25 Янгиликлар.

● Ўз ТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — олтин даврим».
19.00 «Яна бир бор нон ҳақида».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Ғалабанинг 40 йиллигига ЎзССР Рассомлар союзининг кўргазма зали. «Рассомлар —Улуғ Ватан урушн қатнашчиларини намойиш этадилар».
20.05 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон композиторларининг романслари.
21.30 Москва «Время».
22.05 «Ғалла —ризқ-рўзимиз».
22.20 «Сўнгги ҳужум». «Халоскорлик» киноэпопеясидан бадиий фильм.
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.15 — 18.30 «Йилқичи». Телефильм.
19.00 «Қўлингни бер, ўртоқ», Совет ёшлари кунига бағишланган кинопрограмма.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Кафтдаги қуёш», «Тобольсклик моҳир қўллар». Телефильмлар.
21.00 Қонун посбонлари.
21.30 МТ II.

ШАНБА

23 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Дарвозаси тиллодан». Болалар учун музикали кўрсатув (Братислава).
10.35 «Спортлото»нинг 25-тиражи.
10.45 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
11.15 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар».
11.40 «Чашмалар». Кировдан олиб кўрсатилади.
12.10 «Поэзия». М. Светлов.
13.20 «Ўртоқ қўшиқ». Бутуниттифоқ телеконкурси.
13.55 Яҳудий автоном области ташкил топган куннинг 50 йиллигига. Кўрсатувда КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Яҳудий автоном области области партия комитетининг биринчи секретари Л. Б. Шапиро иштирок этади.
14.25 «Фрейлехс». («Шодлик») ансамблининг концерти.
14.40 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.10 «Дунё воқеалари».
15.25 Болалар учун телефильмлар фестивали. «Қизил Шапкача ҳақида». 1- ва 2-серияларр.
17.40 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
18.10 «Ҳайвонот оламида».
19.10 Тинчликни сақлаш Совет комитетининг раиси Ю. А. Жуков суҳбати.
19.40 Мультфильм.
20.00 «Балли, қизлар». Енгил саноат ходимлари билан учрашув.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК—«Днепр». 2-тайм.
22.45 Ҳужжатли фильм.
23.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев)—«Спартак». 2-тайм.
23.45 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.25 «Ёзга йўлланма». Телефильм.
9.40 «Пушкинга бағишланади». «Поэзия» альманахи.
10.30 «Тонгги почта».
11.00 Болалар учун фильм. «Каникулдаги воқеа».
12.05 ТУРКМАНИСТОН ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
13.10 «Нима? Қаерда? Қачон?» Телевикторина.
14.15 «Иккинчи фронт: бор ҳақиқат».
15.05 Р. Шуманнинг концерт этюдларини РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Васильев чалади (фортепьяно).
15.30 «Жароҳатланганлиги учун берилган отпуска». Фильм-спектакль премьераси.
17.45 «Музикали киоск».
18.15 Халқаро обзор.
18.30 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
19.15 «Здоровье».
20.00—20.30 «Агар оламни кўрмоқчи бўлсанг». Телефильм премьераси.
20.45 Енгил атлетика бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари.
21.30 «Время».
22.05 «Москвада уч кун». Телевизион бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган ҚҚАССР ва республика областлари театрларининг телевизион фестивали. Р. Файзий. «Ўз уйингдасан». Й. Охунбобоев номли Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
11.35 «Эврика». Кинокўрсатув.
12.20 «Диққат, темир йўл» (рус.).
12.40 «Умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳақида».
13.10 «Шахмат мактаби».
13.40 «Замандас». Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида).

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 Мультфильм.
18.15 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.45 Мультипанорама».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Телевизион миниатюралар театри.
20.30 «Ахборот».
20.50 Бобомурод Ҳамдамов куйлайди.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «VIII Халқаро Тошкент кинофестивали...», Видеофильм премьераси.
23.30 Кўрсатувлар программаси.
● 17.55—21.30 ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

---

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50

22 ИЮНЬ, 1984 й. Р. 14079. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10